

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЎЛ ЧОРВАЧИЛИГИ, ЭКОЛОГИЯСИ, ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

Э.С.Шаптаков-қ.х.ф.д., профессор, институт директори
Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Чўл яйлов чорвачилиги деганда мамлакатимизнинг 20 млн гектардан зиёд майдонини қамраб олувчи жуда катта ҳудудда чорвачилик тармоғининг ривожланиши билан бирга ушбу ҳудудларда истиқомат қилувчи 3 млн нафардан ортиқ аҳолини доимий иш ўрни билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга мамлакатимизда озиқ-овқат муаммосининг ечими сифатида истеъмолчиларни арзон нархларда чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш каби ислохотлар кўз олдимизга келади. Мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда чўл яйлов чорвачилиги етакчи соҳалардан бири ҳисобланади.

Республикаимиздаги қатор тармоқлар каби қорақўлчиликда ҳам тармоқни янада ривожлантириш борасида сезиларли тадбирлар амалга оширилаяпти.

Мамлакатимиз Президентининг соҳага бўлган эътибори қорақўлчилик тармоғида фаолият олиб бораётган барча бўғин раҳбар ва мутахассислари олдида муҳим вазифаларни қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059 сонли фармони эса соҳани янги бошқарув тизими асосида ривожлантириш, яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш борасидаги ислохотларни бошлаб берди.

Мазкур фармон асосида республикада қорақўлчиликда ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари яъни қорақўлчилик кластерлари ташкил қилинди ҳамда кластерлар Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий -тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-ййлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан Ҳукумат томонидан тармоқни малакали мутахассислар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Республикаимизда қорақўлчилик йўналишида мутахассис тайёрлаш илгари фақат Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида амалга оширилган бўлса, бугунги кунда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида, Тошкент Давлат аграр Университетида, унинг Самарқанд филиалида ҳам йўлга қўйилди.

Охирги статистик маълумотларга кўра республикаимизнинг барча тоифадаги хўжаликларида 6 млн бошдан зиёд қорақўл зотли қўйлар асосан Қорақалпоғистон республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг чўл ва адир яйловларида парваришланмоқда.

Институт олимлари томонидан қорақўлчилик соҳаси ривожланган вилоятлардаги кластерлар, масъулияти чекланган жамиятлар ва фермер хўжаликларида селекция -наслчилик ишларини юритиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Бугунги кунда институтда 9 та бўлим, 3 та тажриба даласи ҳамда 1 та аналитик лаборатория фаолият олиб бормоқда. Шу билан биргаликда докторантура бўлимида 24 нафар ёш олимлар ўз изланишларини давом эттирмоқдалар.

Қорақўлчиликда институтимиз олимларининг илмий-тадқиқотлари асосида қорақўл қўйларининг юқори маҳсулдор 33 та завод типлари яратилган. Охирги 2 йилда яъни 2021 йилда қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг “Нурота” завод типини яратилди.

Бугунги кунда институтнинг илмий ходимлари томонидан Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Боботоғ сури” МЧЖда Сурхондарё сур қўйларининг янги рангбарангликларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш натижасида антроцит (лунный) ва қумсимон (песочный) рангбарангликларидаги завод типини яратиш мақсадида талаб этиладиган сурувлар шакллантирилди.

Ҳозирда ушбу завод типини бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва Интеллектуал мулк агентлигига юбориш ишлари олиб борилмоқда. Илмий нуқтаи назардан ушбу завод типини селекцион ютуқ ва иқтисодий жиҳатдан экспортга йўналтирилган маҳсулот ҳисобланади.

“Қизилқум шароитида қорақўл қўйларини самарали урчитиш асосида қорақўл маҳсулоти сифатини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдор сурувларини яратиш” мавзусида илмий изланишлар эса Бухоро вилоятининг “Жонгелди” қорақўлчилик наслчилиги МЧЖда бажарилмоқда. Тадқиқотлар давомида МЧЖда қорақўл қўзиларнинг гул типини ва жунтола пигментацияси бўйича қўйларни жуфтлашдан олинган авлодларни баҳолаш ишлари олиб бориш билан биргаликда Бухоро вилоятида қорақўлчилик субъектларининг раҳбар ва мутахассислари учун қорақўл қўзиларни баҳолаш бўйича мавсумий семинар-тренинг курслари ҳам ўтказилиб борилмоқда.

Республика Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги жорий йилда институт олимлари томонидан “Барча ранглардаги қорақўл териларига уларнинг сифат ва хусусиятларини ўрганиш ва таҳлиллаш асосида техник талаблар ишлаб чиқиш ва халқаро стандарт тайёрлаш” мавзусидаги амалий лойиҳа бажарилмоқда. Ушбу лойиҳа якуни билан қорақўл териларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун техник талаблар ишлаб чиқилади.

Мамлакатимизда яйлов чорвачилигини барқарор ривожлантириш кам ҳосилли яйловларни яхшилаш орқали соҳа озуқа захираларини мустаҳкамлашни тақозо этади. Институтимиз тажриба далаларида чўл яйловларининг ҳосилдорлиги ва озуқа сифатини кескин яхшилаш имкониятини берувчи чўл озуқабоп ўсимликларининг 15 дан ортиқ истикболли навлари мавжуд. Ушбу навлар чўлнинг қурғоқчил иқлимида ўсишга ва узок йиллар давомида узлуксиз юқори ҳосил тўплаш хусусиятига эга. Шундай экан, ушбу навларнинг уруғчилигини ташкил қилиш ва уларнинг уруғларини керакли миқдорларда етиштириш ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қорақўлчилик йўналишидаги фойдаланиб келинаётган 17,5 млн гектар яйловлар мамлакатимиз чўл чорвачилигининг асосий озуқа манбаи ҳисобланиб, улардан йил бўйи фойдаланиш имконияти мавжуд. Аммо, қорақўлчилик яйловларининг ҳозирги ҳолати соҳани барқарор ривожлантириш талабига жавоб бермайди. Чунки, яйловлар ҳосилдорлиги паст бўлиб, қуруқ масса ҳисобида гектарига 1,5-3,0 центнердан ортмайди. Бундан ташқари, чўл яйловлари ҳосилдорлиги об-ҳаво шароитлари билан бевосита боғлиқ ва йил мавсумлари давомида кескин ўзгариб туради. Ёғин-сочин миқдори кўп йилларда чўл яйловларининг ҳар гектари ўртача йилга қараганда икки маротаба кўп озуқа берса, қурғоқчил йилларда бу кўрсаткич 3-5 маротабагача пасайиб кетади. Кўп йиллик кузатишлар шундан далолат берадики, ҳар ўн йилда 3 йил ҳосилдор, 4 йил ўртача ҳосилли ва 3 йил кам ҳосилли йиллар такрорланади. Жорий 2023 йилда ҳам йилнинг қурғоқчил келганлиги туфайли қорақўлчилик субъектларининг асосий қорақўл қўйлари бошқа ҳудудларга ҳайдаб ўтиб парваришланмоқда. Бу чўпон-чўлиқлар учун жуда катта ноқулайликларни келтириб чиқарса, ушбу соҳадаги субъектларнинг иқтисодий томондан зарар кўришига олиб келади. Йилнинг бундай ноқулай келган шароитида институтимиз илмий ходимлари томонидан Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд

вилоятларидаги яйловлар ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли хулосалар ва вазиятни юмшатиш борасидаги тавсиялар берилди.

Яйловлар ҳосилдорлиги ўсимлик қопламнинг инқироzi туфайли ўз потенциалига нисбатан пасайиши кузатилмоқда. Ҳозирги кунда ўртача 9 млн. га яйловлар ҳосилдорлиги 20 % га, 4 млн.га яйловда 30% га ва 2 млн га яйловда 40% га ва унданда кўпроқ пасайиши кузатилган. Шундай экан, инқирозга учраган яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, адир яйловларининг фойдаланиш мавсумини узайтириш, яъни чорва қишлови учун махсус кўп компонентли, юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларини яратиш чўлда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг самарали йўллари ҳисобланади.

Яйловларни фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини ошириш ўз навбатида чўлнинг экстремал шароитларида ўсишга яхши мослашган (атмосфера ва тупроқ қурғоқчилиги, субстратнинг шўрланиши, кескин континентал иқлим), юқори озукабоплик хусусиятига эга бўлаган ўсимлик турларини ёввойи флорадан излаб топиш, уларни маданийлаштиришнинг минтақавий технологияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий шароитларда ўсишга яхши мослашган истикболли навларини яратиш, уларнинг уруғчилигини ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон ёввойи флорасида тарқалган кўпалаб турлар қимматли озукабоп ўсимликлардир. Агарда ёввойи флорада тарқалган ўсимлик турлари 3 000 турдан ортиқлигини ҳисобга олсак, ханузгача ўрганилган 100 га яқин тур ва истикболли деб тан олинган 30 га яқин ўсимлик турларини бу йўналишдаги ишлар ҳали денгиздан томчи эканлигига шубҳа йўқ ва ҳали Ўзбекистон табиий флораси яйловлар фитомелиорацияси йўналишидаги интродукцион тадқиқотлар учун улкан манба бўлиб хизмат қилади.

Истикболли навлар уруғчилиги яйловларни фитомелиорациялаш чора-тадбирларини кенг миқёсларда йўлга қўйишда энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Чунки, истикболли навларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқишда уруғларнинг биологик ва хўжаликбоп хусусиятларини чуқур билиш ўта муҳим. Шунингдек, уруғ етиштиришнинг ўзига хос технологияларини ишлаб чиқмасдан туриб уруғчиликни йўлга қўйиш ва уруғга бўлган эҳтиёжни қондириш қийин.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яйлов чорвачилигини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, яйловлар ҳосилдорлигини фитомелиорациялаш орқали чўлда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш муаммоларини ҳал этишнинг илмий асосларини яратиш мамлакатимизда чўл-озукабоп ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги, истикболли турларни маданийлаштириш, маҳаллий навларни етиштириш, улар уруғчилигининг самарали технологияларини ишлаб чиқиш йўналишларидаги илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантиришнинг зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида чўл озукабоп ўсимликлар интродукцияси ва селекцияси, яйловлар мониторинги, озика ишлаб чиқариш, уруғчилик ва уруғшунослик йўналишларидаги 4 та бўлимда илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида институтнинг махсус тажриба далаларида чўл озукабоп ўсимликлар генофондини сақланиши билан бирга уларнинг уруғчилиги борасидаги тадқиқот ишлари ўтказилиб келинмоқда.

Айни пайтда Нитенс олабутасининг “Одил” навини яратиш бўйича тайёрланган ҳужжатлар қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясига юборилган. Бундан кўзланган асосий мақсад чўл яйловларининг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш ҳисобланади.

Маълумки, Оролнинг қуриши натижасида 3,5 млн. гектар чўл юзага келди ва бундай ерлардан фойдаланишнинг энг самарали усули - яйлов чорвачилигини

ривожлантириш ҳисобланади, уни барқарор ривожлантиришнинг асосий омили эса мустаҳкам озуқа захиралари яратиш заруриятини юзага келтиради. Институт олимлари томонидан “Орол денгизи қуриган туби шароитида чўл озуқабоп ўсимлик навларини синаш, истикболли тур ва навлар бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида Оролнинг қуриган тубида юзага келган оғир экологик вазиятни яхшилаш, биохилма-хилликни ошириб, ушбу тупроқ-иқлим шароитида гектаридан 10-15 центнер озуқа олиш имконини берувчи кўп компонентли яйлов агрофитоценозларини яратишни таъминлайдиган озуқабоп ўсимлик навлари танлаб олинади ва уларни парваришлашнинг агротехник тадбирлари ишлаб чиқилади.

УДК: 636.31:616

ҚОРАҚЎЛ СОВЛИҚЛАР ВА ҚЎЗИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Х.Б.Юнусов, Б.Бакиров, Н.Б.Рўзикулов, О.Э.Ачилов

***Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети***

Аннотация. Мақолада республикамиз шароитларидаги қорақўл совлиқлар ва қўзиларнинг модда алмашинуви бузилиши ҳамда ошқозон-ичак касалликларининг асосий сабаблари, даволаш ҳамда олдини олиш чоралари бўйича СамДВМЧБУ олимлари томонидан олиб борилаётган тажриба натижаларининг таҳлили берилган.

Аннотация. В статье приводится анализ результатов научных исследований проведённых учеными СамГУВМЖБ по этиологии и лечебно-профилактических мер основных болезней нарушений метаболизма и желудочно-кишечной патологии у каракульских овцематок и ягнят в условиях нашей республики.

Калит сўзлар: Қорақўл совлиқ, қорақўл қўзи, модда алмашинувининг бузилишлари, кетонурия, алиментар дистрофия, диспепсия, тўйимсиз озиқлантириш, лизуха, диарея, антикетоген ва диареяга қарши воситалар, умумий профилактика.

Ключевые слова: Каракульские овцематки, каракульские ягнята, нарушения обмена веществ, кетонурия, алиментарная дистрофия, диспепсия, неполноценное кормление, лизуха, диарея, антикетогенные и противодиарейные средства, общая профилактика.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришни янада яхшилашга қаратилган аграр ислохотларнинг амалга оширилишида, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020-йил 29-январда қабул қилинган ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашда, шунингдек, ички бозорни сифатли ва етарли миқдордаги чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [1].

Мавжуд адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Республикамиздаги қўйчилик хўжаликларида парваришланаётган совлиқлар орасида модда алмашинуви касалликлари жуда кенг тарқалган бўлиб, бундай совлиқлардан туғилган қўзилар энг биринчи навбатда диспепсия ва кейинчалик эса рахит ва бронхопневмония касаликлари билан касалланадиган бўлиб қолади. Республикамиз чорвачилигига жуда катта иқтисодий зарар кўрсатиб келаётган бундай касалликлар, хусусан уларнинг асосий

M U N D A R I J A

1	Хайитов Э.Ш. Яйловлардан самарали фойдаланиш–бугунги кун талаби	3
2	Шаптаков Э.С. Ўзбекистонда чўл чорвачилиги, экологияси, долзарб муаммолари	5
3	Юнусов Х.Б., Бакиров Б., Рўзиқулов Н.Б., Ачилов О.Э. Қоракўл совлиқлар ва кўзилар саломатлигини асраш-долзарб масала	8
4	Шаптаков Э.С., Хатамов А.Х., Кличев З.С. Илмий салоҳиятни ошириш – малакали мутахассис тайёрлашнинг асоси	13
5	Ахмадалиева Л.Х., Шаптаков Э.С., Попова В.В. Коммерциализация объектов интеллектуальной собственности в НИИ каракулеводства и экологии пустынь	16
I. CHO‘L CHORVACHILIGINI RIVOJLANTIRISHNING SELEKSION VA GENETIK MUAMMOLARI VA YECHIMLARI		
6	Xatamov A.X. Global iqlim o‘zgarishi sharoitida qorako‘l qo‘ylarini urchitishning ahamiyati	20
7	Aripov U.X., Axrorova G.T., Urinboyeva M.M., Imomov X.N. Bobotog‘ suri xo‘jaligidagi qorako‘l qo‘ylarining biologik va mahsuldorlik xususiyatlari	23
8	Газиев А., Фазилов У.Т., Маматов Б.С. Қизилқум шароитида қора рангли қоракўл қўйлари ирсиятини ўрганиш натижалари	26
9	Xatamov A.X. Qumli cho‘l va adir sharoitida qorako‘l qo‘chqorlari va sovliqlarining tirik vazn o‘zgaruvchanligi	29
10	Маматов Б.С., Газиев А., Болтаев А.Ж. Сур рангли қоракўл қўйлариининг наслий хусусиятларини ўрганиш натижалари	31
11	Aripov U.X., Abduzoirova D.Yu., Alimova M.A. Buxoro sur qorako‘l qo‘zilarining tirik vazn ko‘rsatgichlarining gul tiplariga bog‘liqligi	34
12	Abduzoirova D.Yu., Bazarov S.R. Turli juftlash variantlarida olingan qoraqalpoq sur qorako‘l qo‘zilarida rang tekisligi	37
13	Исмоилова М.М., Кличев З.С. Серпушт типдаги қоракўл қўйлари авлодларида қоракўл терилар ўлчами ва вазнининг ўзгариши	39
14	Turanov M.X., Gaziev A., Mamatov B.S. Turli rangbaranglikdagi sur qorako‘l qo‘zilarida rangbaranglikning ifodalanishi	41
15	Turanov M.X., Boltaev A., Yarmanov M. Olmos va kumushsimon rangbaranglikdagi sur qorako‘l qo‘zilarida gullarning joylashish rasmi va mustahkamligi	43
16	Шаптакова Л.Э., Газиев А. Муборак завод типдаги қора рангли қоракўл қўйлари ирсиятини гулларнинг узунлиги бўйича баҳолаш	46